



1930

ХОЖАГОН-НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЖАҲОН ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРИХИДА ТУТГАН ЎРНИ

мавзуидаги Республика илмий-амалий анжумани

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

Бухоро - 2018

Зарипова Г.К. Раджабова М.М. Ҳозирги кунда баркамол авлодни тарбиялашда нақшбандия тариқати рашҳаларининг тутган ўрни	163
Ш.М.Улугова. Нақшбандия таълимотида комил инсон тарбияси	164
Қодиров Давронбек. Махмуд Анжир Фағнавийнинг “Ғибафармойи Сурайё” сифатининг маъноси	165
Ражабова Дилноза. АЗИЗИДДИН НАСАФИЙНИНГ КОМИЛ ИНСОН БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ.....	166
Хайтов Л.А. А. Ғиждувоний маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни	168
Зарипова Г.К. Муролова Д.А. Мустақиллик йилларида мумтоз меросимизни, жумладан, нақшбандия тариқатининг таълим-тарбия жараёнидаги аҳамияти	169
Rahmonova Zaynura. Abdullayeva L.S. NAQSHBANDIYA TARIQATINING YOSHLAR PEDAGOGIKASIDAGI O'RNI VA AHAMIYATI	170
Shohjahon Toshpo'latov. Hazrati Bahouddin Naqshbandning hayot yo'li, tariqati va tasavvufiy-falsafiy g'oyalarida diniy bag'rikenglik masalalari	171
M.Sulaymonova. Amir Temur va Temuriylar davrida naqshbandiylik tariqatiga munosabat.....	173
A.T. Qayumova. Ibn Xalidning diniy-falsafiy qarashlari	174
Адилов З. ЗАРДУШТИЙЛИҚДА ТАБИАТ БОРЛИҒИГА МУНОСОБАТ.....	175
Қодирова М.М. Ислом ва тасаввуфда иктисодий масалалар ва меҳнат қилиш ўзига хос талқини	177
Нарзиев З.И. Абулҳасан Хужвирийнинг “Қашф ул маҳжуб” асари Нақшбандия тариқати тушунчалари генезиси шаклланишида муҳим манба	178
Казымова Г.Х. МАЙМОНИД И ЗАКОН «ЗОЛОТОЙ СЕРЕДИНЫ»	181
A.T. Qayumova. Ibn Xaldun ta'limotida ilmlar tasnifi.....	182
Хайитов Ш.А. Ўрта аср Бухоро маданий-маърифий ҳаётини ўрганишда Хожাগон-Нақшбандия меросининг тарихий аҳамияти. Туркияда Бухоро нақшбандия шайхларининг ўзбек (таж) теккелари тарихидан	183
Казимова Гулнора. IX – XII асрларда фалсафий фикрнинг ривожланиши.....	184
Музаффаров Фируз. МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙ ВА УНИНГ НАСИҲАТ УЛ-МУЛК АСАРИ ҲАҚИДА	185
Орзиев М.З. Нақшбандия тариқати ва унинг тарқалишида хусусида (“Туркистон тўплами” маълумотлари асосида)	186
Раёно Раупова, ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ – ЎРТА АСР ЮКСАЛИШ ДАВРИ ВАКИЛИ	187
Орзиев М.З. Ахтамов И.И. Нақшбандия тариқатининг тарқалиши тарихидан лавҳалар	188
И.Х. Курбанов. Золотое наследие средневековья древней Бухары	189
Rajabova Dilnoza. TASAVVUFDA ISHQ VAYONI VA AZIZIDDIN NASAFIY TALQINI.....	190
А.И.Тўраев. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ТАЪЛИМОТИ ВА УНИНГ ЁЙИЛИШИ	193
Зарипова Г.К. Раджабова М.М.Олий таълим жараёнида нақшбандия таълимотини ёшларга ўргатиш технологияси	194
5-шўъба. “Етти Пир” зиёрат туризмни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари.....	196
Murodova D., Namroyeva.R. O'zbekistonda ziyorat turizmini rivojlantirishda naqshbandiya tariqatining tarixiy ahamiyati	196
Xaitov L.A., Temirova M.S. “Yeti Pir” ziyorat turizmini rivojlantirish xususida.....	197
Шавкат Бобожонов. Дилдора Бақаева. “НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ” МУЗЕЙИ – МАЪРИФАТ МАСКАНИ	198
Самиева Ф.О. Салимова Д.Б. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этилиши тарихи тўғрисида.....	199
Салимова Д.Б., Нуриддинова А.И. Нақшбандия тариқатининг гоёвий – технологик асослари	200
Ҳотамова Дилдора. Ислом минтақа маданияти ривожда аجدодларимиз яратган мероснинг ўрни.....	202
SH.Murtazoyev, SH.Ahadov. Millatimiz iftixori	204
Г.Ж.Тошова. Сафарова Н. Назарова Д. Ҳамкорлик педагогикасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда укув масканлари, ота-оналар, маҳаллаларнинг улкан роли.....	205

маънавий бойликни ўша давр имкони даражасида ўзлаштириб, қайтадан талқин қилишга эришди. Шу билан бирга ушбу босқичнинг назик жиҳатлари ҳам кўзга кўриниб қолди. Биринчидан ғоялар хилма-хиллиги кучайиб, эйдийатлар авж олди. Иккинчидан, ҳукм-дорлар саройида ва юқори табақали зиёлилар орасида илм ва тафаккур сунна ва шариат босқичида қолиб келаётган оддий шаҳар ва кишлоқ аҳолиси ора-сида кўп сингиб бормаган ва кенг халқ оммаси билан илмий доиралар тафаккури орасида узилиш вужудга келган эди. Учинчидан, Аббосийлар, Со-монийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар томонидан такомиллантирилган дав-лат тизими юқори палласига кўтарилиб, XI аср охирига борганда унда ички эйдийатлар кўрина бошлади. Вазир Низомулмулкнинг ўлдирилиши, буюк Салжуқий ҳукмдори Маликшоҳнинг вафотидан сўнг ўғиллари ўртасида тожу-тахт учун курашнинг бошланиши бу жараёнинг илк кўринишларидан бири эди. Тўртинчидан, шаҳар аҳолисининг ижтимоий фаолликлари ҳар соҳада сезила бошланди. Тасаввуф ғоялари халқ ичида кенг ёйилди.

МУҲАММАД ҒАЗЗОЛИЙ ВА УНИНГ НАСИҲАТ УЛ-МУЛК АСАРИ ҲАҚИДА

Музаффаров Фируз Давронович
БухДУ Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси катта ўқитувчиси

Насихат ул-мулк Ғаззолий томонидан форс тилида ёзилган асардир. Умумий бир ифодага кўра, ҳукмдорлар учун қаламга олинган бу асарда идеал бир бошқариш (*идора*); оятлар, ҳадислар, ҳикматли сўзлар, машҳур фалсафа ва дин вакилларининг, одил ҳукмдорларнинг сўз ва ҳатти-ҳаракатларидан намуналар берилган ҳолда ёритилади.

Насихат ул-мулкнинг XVIII асрда қилинган таржимасининг ёлғиз нус-хаси Сулаймония кутубхонасида Фотих коллекциясида 3479 рақам остида сақланади. Нусханинг захрия бўлимида Султон Маҳмуд бин Мустафога оид тожли асосли муҳр ва вақф қайди мавжуд. Муҳрда Куръони Каримнинг аъраф 7/43 ояти ёзилган. Вақф қайди эса Ҳарамайн шарифнинг муфтиси Мустафо Тохир тарафидан қаламга олинган. Бу вақф қайдининг олдидаки ик-кинчи бир муҳр эса Мустафо Тохирга тегишлидир. Захрияда бобларнинг ташқарисида алоҳида Сулаймония кутубхонаси демирбош қайди мавжуд.

Таржима насих хатида ёзилган. Сатр сони 17 та. Асосий матн сиёх би-лан ёзилган бўлиб, мавзу номлари, ҳикоя қалималари қирмизи мураккаблик-да ёзилган. Яъни, матнда баъзи сўз ва жумлаларнинг олд қисмини қирмизи сиёх билан чизилганини кўриш мумкин. Нодир сиёх мураккаб баъзи саҳи-фаларни сатр ташқарисидаги бўлимларнинг сўз ва сўзлар гуруҳида ишла-тилган. 120 варқдан иборат асарнинг 1b саҳифасида қирмизи мураккабликда ёзилган “*Ҳаза Китабу Насихату’л-Мулк*” сарлавҳаси билан бошланиб, 120 а варқда асар тугайди.

Насихат ул-мулк Ғаззолийнинг форс тилида ёзилган асаридир. “Али бин Муборак бин Мевҳуб исмли таржимон ушбу асарни Мусул отабеги Алп Қилич (в. 595/1199) номига “*Эт тибрул-Месбук фи Насихатул Мулк*” номи билан араб тилига таржима қилган ва бу асар янада зиёда шаклда арабча тар-жима билан машҳур бўлган”.²

Бунга кўра Али бин Муборакдан буюк зотлар Ғаззолийнинг Насихат ул-мулк китобини араб тилидан турк тилига таржима қилишни сўрайдилар. У китобни оригинал тартибда таржима қилади. Таржимон арабча таржимадан фарқли турк тилидаги таржимада китобдаги Ғаззолий ривоятларининг форс-ча байтларини ҳам таржима қилади.

Умуман Насихат ул-мулк форс тилида Ғаззолий томонидан даврнинг подшоҳи Муҳаммад бин Маликшоҳга китобан ёзилган. Шу сабабли ушбу асар куйидаги жумлалар билан бошланади:

Билгил эй олам подшоҳи ва машрику мағриб малики!

Ғаззолий, Аллоҳнинг подшоҳга берган неъматларнинг буюклигини ва бу неъматларга шукр этилмаса қўлдан кетишини ва охиратда ҳисобини бери-шини айтади. Бу дунёдаги неъматларнинг энг аҳамиятлиси иймондир ва ий-моннинг тухуми мўминнинг қалбига экилган. Бу иймон тухуми қалбга экил-гандан сўнгра ибодат ва тоат билан дарахтга айланади.

Насихат ул-Мулкнинг яна бир турк тилидаги таржимаси шарқшунос олим Осман Шекиржи томонидан 1969 йилда таржима қилинган. Асарнинг кириш қисмида Насихат ул-Мулк ҳақида баъзи умумий маълумотлар берил-ган.

Унга кўра, Салжуқийларда олтмиш йилга яқин ҳукмронлик тахтини ишғол этган султон Сажарни Ғаззолий билан ёзишмалари тахлили асосида тадқиқ этилган. Ушбу таҳлиллар асосида Насихат ул-Мулк султон Санжарга атаб ёзилган деб хулосаланади.

Насихат ул-Мулкнинг босма ва ёзма бутун нусхаларида асарнинг асли-ни Муҳаммад бин Маликшоҳга китобан ёзилганлигини кўриш мумкин. Фа-кат Асъад Афанди кутубхонасининг 2921 рақамли бошқа бир таржимон то-монидан қилинган Арабча таржиманинг мукаддимасида Имом Ғаззолийнинг ушбу асари Муҳаммад бин Маликшоҳга эмас, балки султон Санжарга атаб ёзганлиги айтилади.³

¹ Саййид Муҳаммад Хотамий. Ислоҳ тафаккури тарихидан. Форсчадан Н. Комилов тарж. Тошкент, 2003, 47-бет.
² Sadık Yazar, “Gazzâlî'nin 13-19. Yüzyıllar Arasında Batı Türkçesinde Tercüme Edilen Eserleri”, *Divan Disip-linlerarası Çalışmalar Dergisi*, c.16, s.31, (2011/2), s.115.
³ İmam Gazalî. *Nasîhatü'l-mülûk* (Devlet Başkanlarına Nasîhatlar): Trc. Osman Şekerci. İstanbul: Sinan Yayınları, 1969. – S. 14.

Султон Санжарга бағишланганига доир ҳеч бир ерда кўрилмаган маъ-лумот, бу таржима нусхасининг дебочасида қуйи шаклда кўрилади. Бу ерда берилган маълумотларга кўра, Насиҳат ул-Мулк асари ёзилишига сабаб си-фатида султон Санжарнинг Шофеъилардан аввалроқ келган Имом Аъзам Абу Ҳанифа асарларида аҳли суннат мазҳабига тескари сўзлар бўлганини ва сўз-лар тахлилини беришни Ғаззолийдан талаб қилгани деб кўрсатилади.

Ғаззолий султон Санжарнинг талабига жавоб бергани ҳам қуйидагича кўрсатилади: “Мен Абу Ҳанифанинг уммати Муҳаммад орасидаги фикҳнинг ҳақиқатлашишида ва маъноларида ягона бир ғаввос бўлганига ишонаман. Ким бу ишончга тескари бўлса ёлгончидир”.¹

Яна бошқа бир таржимада асарнинг асл номи “*Ат-Тибру’л-Месбук фи Насиҳати’л мулк*”, турк тилига эса буни “Давлат одамларига олтин наси-ҳатлар” деб таржима қилинади. Асар муқаддимаси: “Раҳмон ва Раҳим бўлган Аллоҳнинг номи билан Хужжат ул-Ислому Имом Ғаззолийдан Султон Ма-ликшоҳга”², деб бошланади. Шу сабабли таржимон Хусейн Ўкур ушбу асар-ни Маликшоҳга атаб ёзилган деб кўрсатади.³

Эрон олими Саййид Муҳаммад Ҳотамий эътирофига кўра, ушбу асар Низом ул-мулкнинг “Сияр-ул мулк” асари таъсирида ёзилган.⁴ Ҳақиқатдан ҳам, Ғаззолий Низом ул-мулкни ўз устози деб ҳисоблаган. “Насиҳат ул-мулк” асарида Ғаззолий Низом ул-мулкка эргашганлигини яширмаган ва шу билан унинг қарашлари, ҳикматларига садоқатини намоён этган.

Асарнинг иккинчи қисми Ғаззолийнинг қарашлари билан диний-ижти-мой ва маънавий ҳаёт орасидаги номувофиклик “Насиҳату мулк”нинг муал-лифи Ғаззолий эканлигига баъзан шубҳа туғдиради, дейди Саййид Муҳаммад Ҳотамий.⁵

Яна бир Эрон олими Жалолиддин Ҳумоий “Насиҳату мулк”ка ёзган муқаддимасида асарнинг иккинчи қисмидан мисоллар келтириб, уларнинг Ғаззолий дунёқарошига тўғри келмаслигини қайд этсада, ўз фикрини хуло-салаб бунинг аксини исботлайдиган далил ҳам йўқ. Бутун тарихий хужжат-лар китобнинг иккинчи қисми Ғаззолийнинг ўзи томонидан ёзилганини тас-диқлайдилар.⁶ Ҳумоий ўз фикрини давом эттириб, ёзади: “Биз аниқ биламиз-ки, Имом Муҳаммад Ғаззолий вафотидан бир аср ўтмасданок, барча олимлар, тарих ва адабиёт тадқиқотчилари “Насиҳату мулк” асарининг ҳар икки қисми ҳам Ғаззолий томонидан ёзилган деб ҳисобладилар. Бу китоб шу ном билан араб тилига таржима қилинган. Ва ҳижрий VI-аср ўрталаридан бошлаб (*арабча таржима санаси*) шу пайтгача китобнинг мазкур икки қисмини Ғаз-золий эмас, бошқа биров ёзганлигини ҳеч ким исботлаган эмас”.⁷

Асар муқаддима, кириш ва етти бўлимдан иборат. **Биринчи бўлим** – адолат ва сиёсат; **иккинчи бўлим** – вазирларда бўлиши керак бўлган хусуси-ятлар; **учинчи бўлим** – ёзувчилар (*котиблар*)нинг вазифа ва одоблари; **тўртинчи бўлим** – давлат одамларининг ва бошқарувчиларнинг юксак азми; **бе-шинчи бўлим** – ҳикмат аҳлининг ҳикматли сўзлари; **олтинчи бўлим** – ақл-нинг шарафи ва фазилати; **еттинчи бўлим** – хотинлар (*аёллар*)нинг сифат ва ҳоллари.

Ғаззолий ушбу китобда ҳукмдорга ҳаёт ҳақиқатини эслатиш, Аллоҳ қудратининг чексизлиги, қиёмат куни ҳисоби билан кўрkitиб, адолат ва халқпарварликка йўллаш учун насихат қилаётган муаллим қиёфасида гавда-ланади. Унинг ёзишча, шоҳ, ҳукмдорлар тақводор олимлар олдига бориб, улар насихатини эшитиши, такаббур, манман олимлар, лаганбардорлар ва сохтакорлардан узоқ туриши лозим.

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИ ВА УНИНГ ТАРҚАЛИШИДА ХУСУСИДА (“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ” МАЪЛУМОТЛАРИ АСОСИДА)

Орзиев М.З.-БухДУ “Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси

XIX асрнинг иккинчи ярмида Туркистон ўлкаси Россия империясига бўйсундирилгандан сўнг фон Кауфман буйруғи билан ташкил этила бошланган “Туркестанский сборник” (“Туркистон тўплами”)даги хабар ва мақолаларда Туркистон ўлкасининг турли соҳаларига оид фикр мулоҳазалар мавжуд. Ўлкани ўрганиш, унинг аҳолисининг ижтимоий-маънавий ҳаёти, урф-одат анъаналари, шунингдек, ислом дини ва сўфийлик таълимоти билан боғлиқ мақолалар, илмий изланишлар, хусусан Нақшбандийлик тариқати ва унинг вужудга келиши, тарқалиши, ушбу тариқатнинг эътиборли намоёндалари ҳақидаги маълумотлар ҳам талайгина бўлиб ҳисобланади. Нақшбандийликни ҳатто, генерал-губернаторлар топиши билан махсус тадқиқ этилганлиги, бу тариқатнинг Афғониятон, Қошғар худудларига тарқалиш тарихи билан ҳам шуғулланилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.⁸

Тўпланда нақшбандийлик тариқатини шаклланишида Хўжа Абдуҳолиқ Ғишдувоний ва унинг шогирдлари сифатида Хўжа Аҳмад сиддиқ, Хўжа ориф (Ревгарий), Хўжа Авлиёи Кабир, Хўжа Авлиёи Ғариблар дастлабки авлиёлар сифатида тилга олинган. Шунингдек, нақшбандийликда зикр тушиш тартиби ва амаллари ҳақида, уларнинг маъно-мазмун хусусида ҳам маълумотлар келтириб ўтилади.⁹

Нақшбандийлик тариқати тарихига оид мақолаларнинг бирида ушбу тариқатни Ўрта Осиёда устун мавқега эга бўлишида хизматлари бекиёс бўлган Хўжа Аҳрор Вали тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилади. Гарчи ушбу

¹Ўша асар. – С. 14.

²Imam Gazali. Nasihatü'l-mülük. (YÖNETİCİLERE ALTIN ÖGÜTLER). Mütercim: Hüseyin Okur, Semerkand Yayıncılık, 2008. – S. 27

³Ўша асар. – Б. 27

⁴Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислому тафаккури тарихидан. Тошкент: Минҳож, 2003. – Б. 221.

⁵Саййид Муҳаммад Ҳотамий. Ислому тафаккури тарихидан. Тошкент: Минҳож, 2003. – Б. 225.

⁶Имом Муҳаммад Ғаззолий. Насиҳату мулк. Жалолиддин Ҳумоий таҳрири остида. Хумо нашриёти, 4-нашр. 1367. – Б. 83.

⁷Ўша асар. – Б. 82-83.

⁸Сборник материалов по мусулманству составитель по распоряжению Туркестанского генерал губернатора генерал от инфантерии Духавского. под. ред поруччик В.И. Яроваго-Раскаго. Санкт-Петербург. паровая типография М.Розеноер 1899. //Туркестанский Сборник. Т. 563. – С. 1-79.

⁹Пантусов Н. Молитвенный сеанс. //Туркестанский Сборник. Т. 563. – С. 154-158.